# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

**4—6-сон (244—246) 2007 й. январь-февраль**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## МУНДАРИЖА

*Иккинчи бўлим*

37. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш, шунингдек айрим ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 февралдаги ПФ–3850-сон Фармони

38. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги ПҚ–572-сон қарори

39. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги ПҚ–573-сон қарори

40. «Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги — «Ўзинфоинвест»ни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 февралдаги ПҚ–578-сон қарори

*Учинчи бўлим*

42. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ–532-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 29 январдаги 20-сон қарори

43. «Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 январдаги 21-сон қарори

44. «Футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг фаолиятини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 январдаги 23-сон қарори

46. «Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш ҳамда шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегараларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 2 февралдаги 25-сон қарори

47. «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 5 февралдаги 26-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

48. «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2006 йил 24 ноябрдаги 2006-15-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 февралда 1131-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

49. «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 8 январдаги 3, 2007-01, 01-02/8-1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 февралда 1320-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

50. «Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 18 январдаги 10, 2007-05-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 февралда 1097-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

51. «Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 18 январдаги 11, 2007-06-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 февралда 1098-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

52. «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 18 январдаги 12, 2007-04-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 февралда 1102-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

53. «Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 18 январдаги 9, 2007-03-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 февралда 1118-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

54. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 18 январдаги 7, 01-02/8-4-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 февралда 1124-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

55. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 1999 йил 8 февралдаги 32-сонли «ХИФларнинг йиллик (чораклик) ҳисоботлари учун бухгалтерия баланси шаклини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғининг кучини йўқотиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 29 декабрдаги 109-сон буйруғи. (*2007 йил 5 февралда 20-мҳ-сон билан давлат реестридан чиқарилди*)

56. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда суд ижрочиларининг судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, рўйхатдан ўтказиш органлари, молия-кредит ташкилотлари билан ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2007 йил 5 февралдаги 21-мҳ-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 февралда 1656-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

57. «Ижро ишини юритиш ва суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2007 йил 5 февралдаги 22-мҳ-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 февралда 1091-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

58. «Акциялар (улушлар) давлат пакетларини ишончли бошқарувга бериш бўйича ўтказиладиган танлов қоидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 8 январдаги 01/12-18/01-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 7 февралда 1410-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

59. «Осиё ўйинларида қўлга киритилган юксак натижалар учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларига пул мукофотларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2007 йил 5 январдаги 2, 285-В, 01-10-14-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 8 февралда 1657-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 20 январдан 9 февралгача бўлган маълумот

# ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## 37 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш, шунингдек айрим ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ–532-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчисининг хизмати (И.Б. Абдуллаев) зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 6 февраль,
ПФ–3850-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 6 февралдаги
ПФ–3850-сон Фармонига
1-ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимча

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ–3594-сон Фармонида:

1-бандининг биринчи хатбоши «ёки ягона солиқ» сўзлари олиб ташлансин;

4-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 20 июндаги ПФ–3620-сон Фармони 1-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгилансинки, ягона солиқ тўлови алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга тадбиқ этилмайди».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ–325-сон қарори 4-иловасининг 1-банди қуйидаги мазмундаги «д» кичик банди билан тўлдирилсин:

«д) микрокредитлаш бўйича хизматлар».

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 6 февралдаги
ПФ–3850-сон Фармонига
2-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган айрим фармонлари рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида» 1996 йил 30 ноябрдаги ПФ–1652-сон Фармонининг 4-4.5 бандлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солиқ солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 3 декабрдаги ПФ–2151-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 июндаги ПФ–3270-сон Фармонининг 1—3-бандлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 38 «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 8 июлдаги ПҚ–117-сонли қарорини амалга ошириш ҳамда мамлакатнинг ахборот-телекоммуникация тизимини ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этишни жадаллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Хитой Тараққиёт Банки ва «Huawei Technologies Co. Ltd» (ХХР) компанияси билан биргаликда лизинг асосида, умумий қиймати 21 283,70 минг АҚШ доллари миқдорига тенг, 1-иловага* мувофиқ лойиҳанинг таркибий қисмларини ҳисобга олган ҳолда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоғини реконструкция қилиш ва

* 1-илова берилмайди.

ривожлантириш» тўғрисидаги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

махсус комиссия томонидан, жойига бориб ускуналарнинг сифат кўрсаткичлари, ишлаб чиқариш шароитлари ўрганиб чиқилди ва харид қилинадиган ускуналарнинг юқори технологик даражаси, техник характеристикаси халқаро норма ва стандартларга мувофиқлиги қайд этилди;

махсус комиссия хулосалари асосида «Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банки томонидан белгиланган тартибда «Huawei Technologies Co. Ltd» (ХХР) компанияси билан ускуналарни етказиб бериш бўйича беш лотдан иборат 18 313,52 минг АҚШ доллари миқдорида, кейинчалик «Ўзбектелеком» АКга лизингга бериш учун шартнома имзоланди;

«Алоқабанк» АТБ ва «Ўзбектелеком» АК ўртасида лизинг шартномаси тузилди.

3. Шартномани қуйидаги тартибда:

«Алоқабанк» АТБга берилган тўлаш муддати 8 йил бўлган, Хитой Тараққиёт Банки кредити ҳисобидан — шартноманинг 85 фоизи 15 566, 49 минг АҚШ доллари миқдорида;

«Алоқабанк» АТБнинг шахсий маблағлари ҳисобидан — шартноманинг 15 фоизи 2 747, 03 минг АҚШ доллари миқдорида молиялаштириш белгилансин.

4. Қуйидагилар:

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоғини реконструкция қилиш ва ривожлантириш» инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асоси, асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан 2-иловага* мувофиқ;

«Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банкига бериладиган Хитой Тараққиёт Банки кредитини тўлаш жадвали 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Хитой Тараққиёт Банки томонидан берилган асосий қарзни узиш, кредитга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фоизлар, комиссиялар ва бошқа харажатларни тўлаш, лизинг шартномасига мувофиқ «Ўзбектелеком» АКдан тушадиган «Алоқабанк» АТБнинг лизинг тўловлари ҳисобидан амалга оширилади;

лизинг ва у билан боғлиқ тўловлар, шунингдек лойиҳани амалга ошириш бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасига киритилган бошқа харажатлар, «Ўзбектелеком» АКнинг шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Мазкур қарорнинг 1-иловасига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида:

Хитой Тарақиёт Банкини — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов манбаидан ундирилиб олинадиган даромад (фойда) солиғи;

«Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банкини — импорт қилинадиган ускуналар ва материаллар бўйича божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 23 январь,
ПҚ–572-сон

* 2-3-иловалар берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 39 «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида

2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламларини янада кенгайтириш ва кучайтириш, аҳолининг муҳтож тоифалари ва оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, аҳоли даромадлари даражасидаги фарқларнинг кескин ошишига йўл қўймаслик, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагиларни кўзда тутувчи «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини оширишга, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган тарзда ёндашишга қаратилган янги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги шундай ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш;

«Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисидан маҳрум бўлган болалар тўғрисида эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, «Сен ёлғиз эмассан» мақсадли вазифасини ҳаётга аниқ тадбиқ этиш;

аҳолининг ночор қатламлари — муҳтож оилалар, ногиронлар, ёлғиз қарияларни аниқ ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар ролини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалда жорий этиш;

жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш чора-тадбирларини янада чуқурлаштириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кўчайтириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича ишларни такомиллаштириш ва «Соғлом она — соғлом фарзанд» ҳаракатини ҳар томонлама рағбатлантириш, жумладан мактабларнинг юқори синфлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари ёшлари ўртасида тушунтириш ишлари ва факультатив машғулотлар ўтказиш;

ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими, «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш механизмини такомиллаштириш, уларнинг меҳнатини, шунингдек умуман ижтимоий соҳа ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш даражасини ошириш;

ёш авлоднинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг касб маҳорати ҳамда маънавий ўсишини моддий ва ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишни ва спорт билан шуғулланишини ташкил қилиш, ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини тайёрлаш ва амалга ошириш;

фахрийлар ва пенсионерларга ёрдам кўрсатиш даражасини янада ошириш, уларнинг давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш, муҳтожларга беғараз ёрдам бериш.

2. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва унинг мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 декабрдаги Ф—2632-сонли Фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси зиммасига юклансин.

Республика комиссияси аъзоларидан «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг асосий бўлимларини амалга ошириш бўйича 2-иловага* мувофиқ таркибда Кенгаш ташкил этилсин.

3. Республика комиссияси ва «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича кенгаш (Ш.М. Мирзиёев):

икки ҳафта муддатда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир идора, аҳоли пункти, туман, шаҳар ва минтақа бўйича «Ижтимоий ҳимоя йили» ҳудудий ва тармоқ дастурларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласинлар;

республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари даражасида ушбу Дастурнинг бўлимлари ва бандлари тўлиқ ҳамда сўзсиз бажарилиши бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил этсинлар, Дастурга киритилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсинлар;

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури билан тасдиқланган топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот тақдим этиб турсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссияларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин, улар зиммасига Дастур тадбирларининг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши устидан ҳар ойлик мониторинг ва қатъий назорат олиб бориш вазифаси юклансин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари жамиятда эзгулик ва меҳрибонлик муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг мақсадлари ва аҳамиятини кенг кўламда тушунтириш, тадбирларнинг амалга оширилишини, шу жумладан давлат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимият органлари, ижтимоий ва нодавлат хайрия ташкилотлари, ижтимоий таъминот муассасалари, шунингдек айрим фуқаролар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар жамоалари қўшаётган аниқ ҳиссани мунтазам ёритиб боришни таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 23 январь,
ПҚ–573-сон

* 2-илова берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 23 январдаги
ПҚ–573-сон қарорига
1-ИЛОВА

# «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажат-лар (млн. сўм) | Молия-лаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. Амалдаги ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган янги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда амалдагиларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, аҳолининг ночор қатламига ёрдам кўрсатишда дифференциялланган ёндашувни амалга ошириш** | | | | | | |
| **1.1. А. Янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш** | | | | | | |
| **а) Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва киритиш:** | | | | | | |
| 1.1 | «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида». | 2007 йил II ярим йиллиги | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлар | | | Қонунда қуйидагиларни назарда тутиш мўлжалланади:<br>аҳолининг ижтимоий ночор тоифасига ёрдам кўрсатишда дифференциялланган аниқ манзилга йўналтирилган ёндашув;<br>ҳар бир фуқарони ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари;<br>ижтимоий ҳимоянинг асосий шакллари ва методлари;<br>аҳолининг кам таъминланганлигини баҳолаш мезонлари;<br>хусусий тадбиркорлар ва жамоат ташкилотларининг аҳолининг ночор тоифасига ёрдам кўрсатишдаги иштироки. |
| 1.2. | «Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида». | 2007 йил II чорак | Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси | | | Қонунда болаларнинг, шу жумладан етим болаларнинг ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларнинг ҳуқуқларини кафолатловчи мажбурий нормативлар назарда тутилади. |
| 1.3. | «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касбий касалликлардан давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида». | 2007 йил III чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | | | Қонунда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларда ёки касбий касалликларда ходимларга кафолатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ходим ва иш берувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартиби назарда тутилади. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажат-лар (млн. сўм) | Молия-лаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1.4 | «Тиббий суғурталаш тўғрисида». | 2007 йил IV чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Врачлар уюшмаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | | | Қонунда ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурталаш принципларини белгиловчи нормаларни, тиббий суғурта ташкилотини танлаш, барча турдаги тиббий ёрдамдан фойдалана олиш, суғурта ташкилотлари ва тиббий муассасаларнинг ўз мажбуриятларини бажариш механизми ва кафолатларини назарда тутиш мўлжалланади. |
| 2. | **б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилган қуйидаги қонунларни қабул қилиш:** | | | | | |
| 2.1. | «Ҳомийлик тўғрисида». | 2007 йил I чорак | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Адлия вазирлиги, «Меҳр нури» жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | | | Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишда муҳокама қилиш ва қабул қилиш, Сенат томонидан ҳомийлик фаолияти соҳасидаги муносабатларни қонунчилик даражасида мувофиқлаштирувчи қонун лойиҳасини муҳокама этиш ва қабул қилиш. |
| 2.2. | «Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида». | 2007 йил I чорак | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Меҳр нури» жамғармаси | | | Қонуннинг Сенат томонидан қабул қилиниши аҳолида, айниқса 2—4-даражали камқонлик ҳамда эндокрин касалликлари билан оғриган болалар ва ҳомиладор аёлларда йод танқислигининг салбий оқибатларини камайтиришни таъминлайди. |
| **3.** | **в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фармонлари, қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш:** | | | | | |
| 3.1. | «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни яхшилаш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». | 2007 йил февраль | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги | | | Ҳужжатнинг қабул қилиниши меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган. |
| 3.2. | «Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежлар фаолияти тўғрисида». | 2007 йил II чорак | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Ҳаёт» нодавлат нотижорат ташкилоти | | | Қарорнинг қабул қилиниши мазкур ихтисослаштирилган коллежларнинг ҳуқуқий мақомини ва уларнинг ўқувчиларини моддий таъминлаш нормаларини белгилаш имконини беради. |
| 3.3. | «Ёш оилаларни моддий ва маънавий давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон. | 2007 йил I чорак | Молия вазирлиги, Марказий банк, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси | | | Ҳужжатнинг қабул қилиниши ёш оилаларга қўшимча имтиёзлар белгилаш, шунингдек ипотека ва истеъмол кредитларидан фойдаланишни таъминлаш имконини беради. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажат-лар (млн. сўм) | Молия-лаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 3.4. | «Ночор оилаларга маҳалла қўмиталари томонидан моддий ёрдам кўрсатишда қўшимча манбаларни жалб этиш тўғрисида»ги Фармон. | 2007 йил I чорак | Молия вазирлиги, Республика йўл фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармаси ва бошқалар | | | Муҳтож оилаларга маҳалла қўмиталари орқали қўшимча манбаларни жалб этган ҳолда моддий ёрдам кўрсатишни ошириш.<br>Қўшимча маблағлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилувчи ҳомийларнинг васийлик кенгашларини ташкил этиш. Буларнинг барчаси аҳолининг ночор қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишда маҳалла қўмитасининг ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлаши лозим. |
| 3.5. | «Оилавий болалар уйлари тўғрисида». | 2007 йил III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси | | | Оилавий болалар уйларининг мақомини, уларни ташкил этиш, болаларни қабул қилиш учун уларни асраб олиш тартибини, болаларни асраб олган ота-оналарнинг ҳуқуқлари ва кафолатларини белгилаш. |
| 3.6. | «Ихтисослаштирилган мактаблар ва интернатларни битириб чиққан етим болалар, ота-онасининг қаровисиз қолган болалар ва алоҳида муҳтож болалар учун уларнинг ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига ўқишга киришида бериладиган қўшимча имтиёзлар тўғрисида». | 2007 йил II чорак | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги | | | Вазирлар Маҳкамаси қарорининг лойиҳаси.<br>Муҳтож болалар учун таълим олишдаги имкониятларни кенгайтириш, уларни иш, даромадлар билан таъминлаш, улар турмушини сифат жиҳатидан яхшилаш. |
| **1.2. Амалдаги қонун ҳужжатларига ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар.** | | | | | | |
| **4.** | **а)Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш:** | | | | | |
| 4.1. | «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги тўғрисида». | 2007 йил III чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, НАННОУз, «Маҳалла», «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми», «Меҳр нури» жамғармалари, «Ҳаёт» нодавлат нотижорат ташкилоти, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази | | | Қонунга қўшимчалар киритилиши ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш шарт-шароитларини такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ҳамда иш берувчиларнинг ногиронларни иш билан таъминлашдан манфаатдорлигини ошириш имконини беради. |
| 4.2. | «Таълим тўғрисида». | 2007 йил III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси, «Ҳаёт» нодавлат нотижорат ташкилоти, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | | | «Таълим тўғрисида»ги Қонунга киритилаётган қўшимчалар ўқув юртларига қатнаш имкониятига эга бўлмаган ногирон болалар учун инклюзив таълим бериш мақомини ва мазмунини белгилайди. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажат-лар (млн. сўм) | Молия-лаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 4.3. | «Реклама тўғрисида». | 2007 йил IV чорак | Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий уюшмаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Адлия вазирлиги | | | Қонунга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар оммавий ахборот воситаларида ва реклама майдонларида ижтимоий рекламани мажбурий жойлаштириш нормасини назарда тутади. |
| 4.4. | Уй-жой кодекси, «Табиий монополиялар тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги қонунлар. | 2007 йил I ярим йиллиги | Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Бош прокуратура, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | | | Қўшимчалар киритилиши:<br>аҳолининг ҳаёт таъминотини ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, товарлар ва хизматларнинг рақобатга бардошлигини ошириш учун янада қулай иқтисодий шароитлар яратиш;<br>уй-жой-коммунал хизматлар баҳосининг мақбуллигини кафолатловчи монополияга қарши чораларни аниқлаштириш имконини беради. |
| **5.** | **б) Қуйидаги ҳукумат қарорларига ва идоравий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш:** | | | | | |
| 5.1. | Балоғатга етмаган болаларни болаликка олиш ва болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилиш тўғрисида Низом. | 2007 йил III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси | | | Ўзгартириш киритилиши ота-онасининг қаровисиз қолган, шунингдек болалар ва «Меҳрибонлик» уйлари болаларини улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ишончли механизмини таъминлашда болаликка олиш ва уларга ҳомийлик қилиш тартиботини соддалаштириш имконини беради. |
| 5.2. | Никоҳдан ўтадиган шахсларни никоҳдан ўтгунгача тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида Низом. | 2007 йил I чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Молия вазирлиги | | | Соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, тиббий кўрикдан ўтказиш сифатини такомиллаштириш. |
| 5.3. | 16 ёшгача бўлган болаларга ногиронликни тайинлаш тартиботи. | 2007 йил II чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги | | | Бажарувчиларнинг қўшма буйруғи.<br>Ногирон болаларни тиббий кўрикдан ўтказишлар сонини камайтириш. |
| 5.4. | Ижтимоий муҳофаза муассасаларининг ҳар қайси тури: болалар уйлари, «Меҳрибонлик», «Мурувват», «Саховат» уйлари ва ихтисослаштирилган интернатлар учун намунавий штатлар. | 2007 йил III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги | | | Бажарувчиларнинг қўшма қарори.<br>Штат бирликларини унга психологлар, психоневрологлар ва бошқа мутахассисларни мажбурий киритган ҳолда ўзгартириш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн. сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 5.5. | Болалар уйлари, «Меҳрибонлик», «Мурувват», «Саховат» уйлари ва ихтисослаштирилган интернатларни юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар билан жиҳозлаш нормалари. | 2007 йил II чорак | Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси | | | Бажарувчиларнинг қўшма қарори. Болаларнинг тўлақонли ҳаёт кечириши, таълим олиши ва дам олишини таъминлаш заруратидан келиб чиққан ҳолда юмшоқ ва қаттиқ инвентарлар билан жиҳозлашнинг янги асосланган нормаларини тасдиқлаш. |
| 5.6. | Болалар уйлари ва мактаб-интернатлар, ихтисослаштирилган ёрдамлашиш мактаблари тарбияланувчилари овқатларининг сифати ва калориялигини яхшилаш учун бир нафар ўқувчи ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш нормалари. | 2007 йил I чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | Бажарувчиларнинг қўшма қарори. Санитария қоидалари ва нормаларига қўшимчалар. Ёшига ва физиологик эҳтиёжларига мувофиқ равишда болалар овқатланишини яхшилаш. |
| **1.3. «Ижтимоий ҳимоя йили» Дастурининг вазифалари ва уни амалга ошириш тўғрисида кенг ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш** | | | | | | |
| 6. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституция қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир» маърузаси қоидаларини аҳоли ўртасида кенг муҳокама қилишни ташкил этиш. | 2007 йил мобайнида | Республика «Маънавият тарғибот» маркази, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний», «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми», «Мустақил ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 30,0 | Бажарувчилар маблағи | Қўшма тадбирлар режаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституция қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги «Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир» маърузаси қоидаларини оммавий ахборот воситалари орқали, ижрочилар томонидан ташкил этиладиган семинарлар, конференциялар, фуқаролар йиғинларида тушунтириш. |
| 7. | Дастурнинг вазифалари ва йўналишлари, унинг бутун республика, шунингдек ҳудудлар, шаҳар ва туманлар доирасида амалга оширилишини оммавий ахборот воситалари, телевидение ва радио, корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари ва маҳаллаларда кенг ёритиш. | 2007 йил мобайнида | Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Маҳалла» жамғармаси | | | Қўшма тадбирлар режаси. Аҳоли ўртасида «Ижтимоий ҳимоя йили» Дастури доирасида ўтказиладиган тадбирларнинг аҳамияти ва мазмунини оммавий ахборот воситалари орқали, ижрочилар томонидан ташкил этиладиган семинарлар, конференциялар, фуқаролар йиғинларида тушунтириш. |
| 8. | Чет элларда «Ижтимоий ҳимоя йили» Дастурининг роли ва аҳамияти тўғрисида мунтазам равишда ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда хорижий | 2007 йил мобайнида | Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Uzbekistan today» ахборот агентлиги | | | Нашрлар, семинарлар, брифинглар орқали Ўзбекистон Республикасининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича сиёсати ва тадбирлари тўғрисида хори– |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн. сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | шериклар ва ҳомийларни дастур тадбирларини амалга оширишда ҳамкорлик қилишга жалб этиш. | | | | | жий мамлакатларнинг хабардорлигини ошириш, дастурни амалга ошириш учун имтиёзли кредитларни, грантларни, халқаро мурувват ёрдамини, моддий-техника воситаларини жалб этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. |
| **II. «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисини йўқотган болаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, «Сен ёлғиз эмассан» инсонпарварлик шиорини ҳаётга амалда татбиқ этишни таъминлаш** | | | | | | |
| 9. | 2007—2010 йилларда «Меҳрибонлик» уйларини ҳамда жисмоний ва ақлий заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг техника билан жиҳозланганлик даражасини ошириш Давлат дастурини эҳтиёжларни олдиндан хатловдан ўтказиш асосида ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, унда қуйидагиларни назарда тутиш:<br>— муассасаларни мукаммал реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш;<br>— янгидан тасдиқланган нормаларга мувофиқ мебеллар ва юмшоқ инвентарлар, асбоб-ускуналар, техник ва ёрдамчи воситалар, компьютер синфлари билан тўлиқ таъминлаш;<br>— ҳар бир болалар уйини (28 та) ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни (86 та) Самарқанд автобус заводи автобуслари билан таъминлаш. | Ишлаб чиқиш – 2007 йил II чорак, қабул қилиш – 2007 йил IV чорак | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 9040,2 | Бюджет маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори.<br>Муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тарбияланувчиларнинг яшаш шароитларини яхшилаш. |
| 10. | «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш: | | | | | |
| 10.1 | Қуйидагиларни:<br>— Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида сколиоз билан касалланган болалар учун санаторий типидаги ихтисослаштирилган 6-мактаб-интернатни;<br>— Қарши шаҳрида кўзи ожиз ва кўриш қобилияти паст болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатни қуриш ва жиҳозлаш. | 2007 йил III чорак | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, «Даврархитектқурилиш» қўмитаси<br><br>Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, «Даврархитектқурилиш» қўмитаси | 665,2 | Мактаб таълими жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети | Таянч-ҳаракат механизми ва кўзи касал болаларни даволаш учун қўшимча шароитлар яратиш.<br><br>Ихтисослаштирилган болалар муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн. сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 1045,3 | Мактаб таълими жамғармаси, маҳаллий бюджет | Тарбияланувчиларнинг фаол дам олишини ташкил этиш учун барча зарур шароитларни яратиш. |
| 10.2 | Қуйидагиларни:<br>— Фарғона шаҳрида сил касаллигига чалинган болалар учун 2-сон мактаб-интернатни ҳамда Фарғона вилояти Бағдод туманида ақли заиф болалар учун ётоқхонага эга бўлган 88-сон мактаб-интернатни;<br>— Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида ақли заиф болалар учун ётоқхонаси бўлган 97-сон мактаб-интернатни мукаммал реконструкция қилиш ва жиҳозлаш. | 2007 йил III чорак<br>2007 йил III чорак | Фарғона вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси<br>Хоразм вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси | 729,8<br>357,4 | Мактаб таълими жамғармаси, маҳаллий бюджет<br>Мактаб таълими жамғармаси, маҳаллий бюджет | Сил касаллигига чалинган ва ақли заиф болаларнинг таълим олиши ва яшаши учун қўшимча шароитлар яратиш.<br>Муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.<br>Тарбияланувчиларнинг фаол дам олишини ташкил этиш учун барча зарур шароитларни яратиш. |
| 10.3 | Қуйидагиларни:<br>— Андижон шаҳридаги ақли заиф болалар учун 12-сон ёрдамлашиш мактабини ва Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги сил касаллигига чалинган болалар учун 11-сон мактаб-интернатни;<br>— Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги сил касаллигига чалинган болалар учун 2-сон мактаб-интернатни ва Ромитан туманидаги ақли заиф болалар учун 26-сон ёрдамлашиш мактабини;<br>— Наманган вилояти Косонсой туманидаги кўзи ожиз ва кўриш қобилияти паст болалар учун 45-сон мактаб-интернатни ва Уйчи туманидаги сколиоз билан касалланган болалар учун санаторий типидаги 40-сон мактабни;<br>— Хоразм вилояти Гурлан туманидаги кам таъминланган оилалар болалари учун 95-сон мактаб-интернатни мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш. | 2007 йил III чорак<br>2007 йил III чорак<br>2007 йил III чорак<br>2007 йил III чорак | Андижон вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси<br>Бухоро вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси<br>Наманган вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси<br>Хоразм вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси | 282,1<br>337,2<br>437,3<br>224,0 | Мактаб таълими жамғармаси, маҳаллий бюджет<br>Мактаб таълими жамғармаси, маҳаллий бюджет<br>Мактаб таълими жамғармаси, маҳаллий бюджет<br>Мактаб таълими жамғармаси, маҳаллий бюджет | Таянч-ҳаракат механизми ва кўзи касал, сил касаллигига чалинган ҳамда ақли заиф болаларни даволаш учун қўшимча шароитлар яратиш.<br>Болалар муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.<br>Тарбияланувчиларнинг фаол дам олишини ташкил этиш учун барча зарур шароитларни яратиш. |
| 10.4 | Бухоро шаҳридаги ақли заиф болалар учун 27-сон мактаб-интернатни, сколиоз билан касалланган болалар учун санаторий типидаги 23-сон мактаб-интернатни ҳамда ёрдамлашиш мактабини мебеллар ва юм- | 2007 йил III чорак | Бухоро вилояти ҳокимлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги | 225,2 | Мактаб таълими жамғармаси, маҳаллий бюджет | Даволаш-соғломлаштириш ва коррекцион-психологик ёрдам тизимини такомиллаштириш, тарбияланувчиларнинг фаол дам олишини ташкил этиш учун барча зарур шароитларни яратиш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн. сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | шоқ инвентарлар, асбоб-ускуналар, техник ва ёрдамчи воситалар билан жиҳозлаш. | | | | | |
| 10.5 | Тошкент шаҳридаги 2-сон – «Мурувват» болалар уйини таъмирлаш. | 2007 йил мобайнида | Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги | 80,5 | Грант маблағлари | Тарбияланувчиларнинг уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш. |
| 10.6 | Самарқанд шаҳрида «SOS- Самарқанд болалар қишлоғи»ни очиш. | 2007 йил II чорак | «SOS Киндердорф Интернешнл», Самарқанд вилояти ҳокимлиги | 2000 минг АҚШ доллари | Бажарувчилар маблағи | Етим болаларни ҳар томонлама тарбиялаш учун шароитлар яратиш. |
| 11. | Қуйидагилар:<br>— камида 8 нафар боланикка олинган болаларни тарбиялаётган оилани микроавтобус («Дамас») билан таъминлаш;<br>— оилавий бизнесни ташкил этиш учун имтиёзли кредитлар (микрокредитлар) ажратиш орқали ҳар бир оилавий болалар уйига шарт-шароитлар яратиш. | 2007 йил мобайнида<br>2007 йил II чоракдан бошлаб | Халқ таълими вазирлиги, «Ўзавтосаноат» давлат-акциядорлик компанияси<br>Марказий банк, «Микрокредитбанк», тижорат банклари | 67,5<br>15,0 | Ҳомийлар маблағлари<br>Тижорат банклари маблағлари | Оилавий болалар уйларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.<br>Оилавий болалар уйлари даромадлари манбаларини яратиш. |
| 12. | Ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ўқиётган жисмоний ва ақлий заиф болалар учун дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларини (59 номда) яратиш ва нашр қилиш. | 2007 йил III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | 168,0 | Бюджет маблағлари доирасида | Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Узлуксиз таълим тизими учун янги ўқув дастурларини, дарсликларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссиясининг қарори. |
| **VI. Ўсиб келаётган авлоднинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг профессионал ва маърифий юксалишини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақти ва спорт билан шуғулланишини ташкил этиш, ёш оилаларни мустақил ҳаётга қадам қўйишда қўллаб-қувватлаш** | | | | | | |
| 66. | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати патронажи остида ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. | 2007 йил I чорак | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 125,0 шу жумладан<br>100,0 | Бажарув-чилар ва ҳомийлар маблағлари<br>«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағ-лари | Биргаликдаги комплекс дастур.<br>Ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб этиш жараёнини рағбатлантириш. |
| 67. | Ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ёки қуришда, уй хўжалигини ободонлаштиришда кўмаклашиш, ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар бериш орқали даромад олишнинг барқарор манбаини шакллантириш. | Доимо | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 50000,0 | Тижорат банклари маблағлари | Биргаликдаги ҳаракатларнинг комплекс режаси.<br>Ёш оилаларга ҳаётий таъминотини яратиш ва барқарорлаштириш шароитларини шакллантириш.<br>Ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб этиш жараёнини рағбатлантириш. |
| 68. | Фаолияти ёш оилаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва оилавий ҳаёт, психологик-педагогик муаммолар, ҳуқуқий ва бошқа масалалар бўйича маслаҳатлар беришга йўналтирилган Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил этиш. | 2007 йил мобайнида | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, «Маҳалла» жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 705,0 | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағлари | Қуйидагилар:<br>— касбларга тайёрлаш;<br>— маслаҳатлар бериш (ҳуқуқий, психологик, тиббий маслаҳатлар);<br>— ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш ва бошқалар бўйича хизматлар кўрсатиш. |
| 69. | — «Янги авлод-2007» болалар ижодиёти фестиваллари доирасида иқтидорли болаларни, шу жумладан кўп болали оилалардаги иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларни мақсадли қўллаб-қувватлаш ишларига; | 2007 йил мобайнида | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар | | Бажарув-чилар ва ҳомийлар маблағлари | Иқтидорли болаларни аниқлаш ва мақсадли қўллаб-қувватлаш ҳамда кўп болали оилалардаги ана шундай болаларни қўллаб-қувватлаш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн. сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | — «Келажак овози» республика танлови ва Ёшлар ташаббуслари маркази фаолияти доирасида вилоятлардаги турли ижод йўналишлари бўйича иқтидорли болаларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва уларни бирлаштириш, шу жумладан танлов ишларини мамлакат иқтисодиётига тадбиқ этишда;<br>— Санъат ва болалар ижодиёти марказларини ўсиб келаётган авлодни маданий қадриятлар билан таништириш, миллий амалий санъат анъаналарини сақлашга ўргатиш, болаларни ўқитиш, ёш талантларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича ривожлантиришга;<br>— қишлоқ жойлардаги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг энг иқтидорли битирувчиларига уларнинг ўқишни ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни давом эттиришида кўмаклашиш. | | | 620,1 | | Биргаликдаги тадбирлар режаси.<br>Болаларни санъатга жалб этиш. |
| 70. | Ҳар бир минтақада кам таъминланган оилалардан бўлган 1 минг нафардан ўсмир ва қизларнинг «Усто-шогирд» методи бўйича касб-ҳунарга ўқишини ташкил этиш. | 2007 йил мобайнида | «Маҳалла», «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Бадиий академия, «Усто» бирлашмаси | 20,0<br>шу жумладан: 3,0 | Бажарувчилар маблағлари<br>«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағлари | Ўқитиш жадвали.<br>Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш. |
| 71. | Ёшлар учун «Мутахассисга муҳтожмиз», «Касбим-фахрим» мавзусида телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш. | 2007 йил II чорак | Ўзбекистон миллий телерадио-компанияси, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 5,0 | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағлари | Биргаликдаги тадбирлар режаси.<br>Олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларини тамомлаган мутахассислар учун янги иш ўринлари топиш бўйича лойиҳаларни жорий этиш. |
| 72. | Ёшлар ва болалар ўртасида «Наврўз» ва «Мустақиллик» байрамларига бағишланган умуммиллий ёшлар спорт марафонини ўтказиш. | 2007 йил мобайнида | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, «Маҳалла», Болалар спортини ривожлантириш, «Соғлом авлод учун» жамғармалари, | 70,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Марафонларни мунтазам ўтказишни таъминлаш.<br>Ёшларда соғлом турмуш тарзига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш. Ёш авлодни ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш. Республикада оммавий жисмоний тарбия ҳаракатини ривожлантириш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажат-лар (млн. сўм) | Молия-лаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | «Аёллар кенгаши» масъулияти чекланган жамияти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | |
| 73. | Ҳар бир туманда аҳолининг кам таъминланган қатламлари орасидан камида 5 та ёш оилага тўйларини ўтказиш ҳамда маиший шароитларини яхшилашда ҳомийлик ёрдами кўрсатиш. | 2007 йил мобай-нида | «Маҳалла» жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати | 500,0<br>шу жумла-дан:<br>20,0 | Бажарув-чилар ва ҳомийлар маблағлари<br>«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағлари | Биргаликдаги тадбирлар режаси.<br>Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш. |
| 74. | Ёшларни жалб этган ҳолда боғларни, шаҳарлар маҳаллалари ва аҳоли пунктлари ҳудудларини ободонлаштириш бўйича оммавий тадбирлар ўтказиш. | 2007 йил мобай-нида | «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Аёллар кенгаши» масъулияти чекланган жамият, «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 25,0<br>шу жумла-дан:<br>5,0 | Бажарув-чилар ва ҳомийлар маблағлари<br>«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маблағлари | Биргаликдаги тадбирлар режаси. |
| 75. | «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси томонидан иқти-дорли талабалар учун таълим грантлари ва стипендиялар дастурлари бўйича орттирилган тажрибадан фойдаланган ҳолда, кам таъминланган оилаларга мансуб иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | 2007 йил мобай-нида | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми», «Меҳр нури» жамғармалари, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги | 74,1 | Бажарув-чилар ва ҳомийлар маблағлари | Биргаликдаги ҳаракатлар комплекс режаси. |
| 76. | «Навқирон Ўзбекистон» анъанавий ва замонавий санъат фестивали лауреат-ларини қўллаб-қувватлаш дастури доирасида ёш рассомлар ва амалий санъат усталарини рағбатлантириш ишларида кўмаклашиш, ёш рассомлар ва ҳунар-мандлар сулолалари ташаббусларини қўллаб-қувватлаш. | 2007 йил мобай-нида | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми», жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси | 37,1 | Бажарув-чилар ва ҳомийлар маблағлари | Биргаликдаги тадбирлар режаси. |
| 77. | Тошкент шаҳрида уйғун ва жисмоний ривожланган ўсиб келаётган авлодни тарбиялашга йўналтирилган Болалар спорт комплексини ривожлантиришга кўмак-лашиш. | 2007 йил мобай-нида | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси | 33,4 | Бажарув-чилар ва ҳомийлар маблағлари | Биргаликдаги тадбирлар режаси.<br>Спорт комплексини таъмирлаш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн. сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 78. | Бутун республика ҳудудида аҳолининг муҳтож қатламларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун маблағлар йиғишга, кам таъминланган оилаларнинг болалари учун байрамлар ташкил этишга йўналтирилган хайрия ва маданий тадбирлар ўтказиш. | 2007 йил мобайнида | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми», «Меҳр нури» жамғармалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | Биргаликдаги тадбирлар режаси.<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қарорлари.<br>Болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. |
| **VII. Фахрийлар ва пенсионерларга ёрдам кўрсатиш даражасини янада ошириш, давлат ва жамоатчилик томонидан уларни қўллаб-қувватлашни таъминлаш, муҳтожларга беғараз ёрдам ажратиш** | | | | | | |
| 79. | Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, дорихоналарнинг ихтисослаштирилган бўлимлари орқали пенсия ёшидаги шахсларни бепул имтиёзли дори-дармонлар билан (врачлар рецепти бўйича) таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | 2007 йил I чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Дори-дармон» ДАК, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўлла-қувватлаш жамғармаси | | | Биргаликда таклифлар тайёрлаш.<br>Кекса ёшдаги пенсионерларни дори-дармонлар билан таъминлашни яхшилаш. |
| 80. | Ёлғиз кексалар, уруш ногиронлари ва иштирокчилари, уруш ортида меҳнат қилганлар, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларини, Чернобиль АЭСдаги ҳалокат туфайли жабр кўрганларни уй-жой-коммунал хизматлар учун компенсация сифатида ҳар ойда пул билан таъминлаш. | 2007 йил мобайнида | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги | 25400 | Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси | Пенсионерлар, меҳнат ва уруш фахрийларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. |
| 81. | «Наврўз», «Мустақиллик», Янги йил, Рамазон ҳайит ва Қурбон ҳайит байрамларида ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлардан 3000 кишига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш. | 2007 йил мобайнида | «Экосан» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Аёллар кенгаши» масъулияти чекланган жамият, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Нуроний», «Меҳр нури» жамғармалари | 250,0 | «Экосан» жамғармаси ва ҳомийлар маблағлари | Аҳолининг муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш.<br>Кекса фуқароларнинг фаол узоқ умр кўришларини таъминлаш. |
| 82. | «Нуроний» шифохонасининг Геронтология марказида (Тошкент шаҳри) даволашнинг замонавий геронтология методларидан фойдаланган ҳолда 1,2 минг нафар, шу жумладан вилоятлардан 250 нафар кекса фуқароларни соғломлаштириш. | 2007 йил мобайнида | «Экосан» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Аёллар кенгаши» масъулияти чекланган жамият, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Нуроний», «Меҳр нури» жамғармалари | 50,0 | Ажратилган маблағлар ва ҳомийлар маблағлари доирасида | Кекса фуқароларнинг фаол узоқ умр кўришларини таъминлаш. |
| 83. | Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган кексаларни уларга талабалар ва ўқувчилардан тузилган «Ғамхўрлик гуруҳлари»ни бириктириб қўйиш йўли билан ижтимоий муҳофаза қилиш қамровини кенгайтириш. | 2007 йил мобайнида | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Нуроний», «Маҳалла», «Меҳр нури» | 10,0 | «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва | Кекса фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн. сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | жамғармалари, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, нодавлат нотижорат ташкилотлари | | бажарувчилар маблағлари | |
| 84 | Республиканинг ҳар бир минтақасидан кам таъминланган кекса фуқаролар (камида 30 минг киши) учун тарихий шаҳарларни ва муқаддас қадамжоларни (Бухоро, Самарқанд, Хива, Термиз шаҳарларини) зиёрат қилишни бепул ташкил этиш. | 2007 йил мобайнида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Маҳалла», «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми», «Нуроний» жамғармалари | 400,0 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари | Бажарувчилар тадбирлари. Кексаларнинг кўнгилли дам олиши учун шароитлар яратиш. |
| 85. | Спорт фахрийларини жалб қилиш орқали катта авлод ўртасида спорт мусобақаларини ташкил этиш. | 2007 йил мобайнида | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси | 10,0 | Бажарувчилар маблағлари | Бажарувчиларнинг қўшма қарори. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш. |
| 86. | Махсус хайрия тадбирларини ишлаб чиқиш ва ташкил қилиш, кам таъминланган оилаларга, шу жумладан ўзгалар парваришига муҳтож бўлган кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва меценатларни, айниқса «Наврўз», «Мустақиллик», Рамазон ҳайит ва Қурбон ҳайит байрамларини нишонлаш вақтида хайрия ишларига жалб этиш. | 2007 йил мобайнида | Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Меҳр нури», «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий уюшмаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 700,0 шу жумладан: 200 | Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағлари Касаба уюшмалари маблағлари | Бажарувчиларнинг келишилган тадбирлари. Кексаларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлашни таъминлаш. |
| 87. | Ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларни телефон алоқаси билан таъминлаш даражасини ошириш. | 2007 йил мобайнида | Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | 40,0 | Бажарувчилар маблағи | Аҳолининг ижтимоий муҳтож қатламлари алоқа воситаларидан фойдаланишини яхшилаш |
| 88. | Уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уруш ортида меҳнат қилганлар, кўзи ожиз биринчи гуруҳ ногиронларининг шаҳар йўловчи транспортида бепул юришини ташкил этиш. | 2007 йил мобайнида | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги | 150,0 | Бажарувчилар маблағи | Ҳокимликлар қарорлари. Аҳолининг муҳтож гуруҳларини моддий қўллаб-қувватлаш. |
| 89. | Ўзбекистон мустақиллигининг 16-йиллигига бағишланган машҳур санъат усталари иштирокида «Фахрийлар куйлаганда» адабий-мусиқий санъат кечасини ташкил этиш. | 2007 йил август | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари | 10,0 | Бажарувчилар маблағи | Маданият фахрийларининг талантини эъзозлаш. |
| 90. | Катта авлод вакиллари билан ёшлар ўртасида маънавий-аҳлоқий муҳитни яхшилаш, ҳуқуқ-тартиботни кучайтириш, | 2007 йил мобайнида | «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, | | Бажарувчилар маблағи | Ёш авлодда маънавият, аҳлоқ ва ватанпарварликни тарбиялаш. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажатлар (млн. сўм) | Молиялаштириш манбалари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | уларда Ватанга муҳаббатни, ота-оналар ва кексаларга нисбатан ҳурматни тарбиялаш. | | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги | | | |

**Жами харажатлар эквивалентда** — **390 114,6 млн. сўм,**
шу жумладан: **356 342,8 млн. сўм**
**26 384,2 минг АҚШ доллари**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 40 Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги — «Ўзинфоинвест»ни ташкил этиш тўғрисида

Мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш жараёнини янада ривожлантириш, хорижга Ўзбекистон Республикасининг инвестиция салоҳияти ҳақида ахборот узатиш, республикада яратилган қулай инвестиция муҳити тўғрисида хорижий ишбилармон доираларни кенг хабардор этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузурида Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги — «Ўзинфоинвест»ни (бундан кейин матнда Агентлик деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ресурс салоҳияти, шунингдек хорижий инвестицияларни жалб этиш учун республикада яратилган қулай шарт-шароитлар тўғрисида хорижий ишбилармонлар доиралари ўртасида ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш ва тушунтириш ишларини олиб бориш;

хорижий инвесторларни ахборот билан қўллаб-қувватлаш, уларга истиқболли лойиҳалар, Ўзбекистон Республикасида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда инвестиция фаолиятининг норматив-ҳуқуқий асослари тўғрисида белгиланган имтиёз ва преференцияларни ҳисобга олган ҳолда ахборот тақдим этиш;

ўзаро манфаатли истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвесторлар билан маҳаллий тадбиркорлар ўртасида учрашув ва музокараларни белгиланган тартибда ташкил этиш;

чет мамлакатларда реклама тадбирлари ва акциялари (мавзули кўргазмалар, анжуманлар, тақдимотлар, конференциялар ва семинарлар) ўтказиш, ихтисослаштирилган адабиётлар, буклетлар чоп этиш, Интернет тизимида ихтисослаштирилган ахборот веб-сайтини ташкил этиш ва юритиш йўли билан Ўзбекистон Республикасининг юксак халқаро мавқеини шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш.

3. Белгилансинки, Агентлик:

юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил муассаса ҳисобланади ва ўз фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирига ҳисоб беради;

республика бюджети маблағлари, ўзининг даромадлари, ҳомийлик ёрдами ва грантлар, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Қуйидагилар:

ходимларнинг умумий чекланган сони 18 бирликдан иборат, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги марказий аппарати бошқарув ходимлари сонини 13 бирликка қисқартириш ҳамда Агентликка қўшимча 5 та штат бирлиги ажратиш орқали, «Ўзинфоинвест» агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

ходимларнинг умумий чекланган сони 192 бирликдан, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 151 бирликдан иборат Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг марказий аппарати тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

«Ўзинфоинвест» агентлиги тўғрисидаги низом 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирига ходимларнинг белгиланган чекланган сони ва меҳнат ҳақи фонди доирасида Агентликнинг тасдиқланган тузилмасига ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Агентлик ходимларига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ходимлари учун белгиланган меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили давлат бюджети харажатларида Агентлик таъминотига маблағ ажратишни назарда тутсин.

7. Агентлик Тошкент шаҳар, Тарас Шевченко кўчаси, 1-уй манзилидаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги биносига жойлаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 26 июлдаги ПҚ−136-сонли қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 6 февраль,
ПҚ−578-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 6 февралдаги
ПҚ−578-сонли қарорига
4-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 26 июлдаги ПҚ−136-сонли қарорига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Қарорнинг 1-бандидаги учинчи хатбоши, 2-бандидаги биринчи хатбоши ва 2-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. 1-илованинг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги таркибига кирувчи ташкилотлар рўйхати» номли бўлими қуйидаги мазмундаги 12-банд билан тўлдирилсин:

«12. «Ўзинфоинвест» агентлиги».

* 2-3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

### 42 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ—532-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ—532-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 29 январь,
20-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 29 январдаги 20-сон қарорига
ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 12-сон, 37-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳақидаги низомнинг 10-бандига қуйидаги мазмундаги ўн тўққизинчи ва йигирманчи хатбоши қўшилсин:

«ҳудудлар бўйича ундирилиши лозим бўлган барча солиқлар ва тўловларнинг тўлиқ тушумидан, шунингдек Давлат бюджетининг биринчи навбатдаги харажатларини (ҳисобланган қўшимчалар билан бирга иш ҳақи, стипендиялар, нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловларни) сўзсиз молиялаштириш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда, даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса узилишларини қоплаш учун тегишли бюджетларга ажратиладиган дотациялар, мақсадли субвенциялар ва бюджет ссудалари миқдорларини аниқлаш;

республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ҳамда Ан-

дижон, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари маҳаллий бюджетларига бериладиган даромадларнинг тасдиқланган миқдорларига ушбу минтақаларда шаклланадиган солиқ тушумларини ҳисобга олган ҳолда, ўзаро ҳисоб-китоблар орқали даромадлар ва харажатлар ўртасида юзага келадиган касса узилишларини тартибга солган ҳолда аниқликлар киритиш».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 августдаги 387-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 8-сон, 47-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автотранспорт қисқа муддат сақланадиган автомобиллар тўхташ жойларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги низомнинг 4.4-банди чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Қирғизистон Республикасининг юк автотранспорт воситалари ва автобуслари Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудлари бўйича ўтиши учун йиғимлар ундиришни тартибга солиш тўғрисида» 2000 йил 10 октябрдаги 391-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 10-сон, 65-модда) 1-бандидаги «Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 декабрдаги 552-сон қарори» сўзлари «қонун ҳужжатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тўғрисида» 2001 йил 30 майдаги 240-сон қарорида:

а) 2-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошидан ҳамда 3-банднинг учинчи хатбошидан «ягона солиқ ҳисобланган миқдорининг 7 фоизини ёки» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) иловада:

илова номидаги ва 1-банддаги «Ягона солиқ ҳисобланган миқдорининг 7 фоизини ёки» сўзлари чиқариб ташлансин;

2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Ягона солиқ тўлови тўловчилари ҳисобланадиган ва Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармаси маҳаллий бўлимлари билан ўзаро қўллаб-қувватлаш тўғрисида шартномалар тузган кичик бизнес корхоналари (савдо корхоналаридан ташқари) ягона солиқ тўлови ҳисобланган миқдорининг 5 фоизини Жамғармага ўтказадилар.

Кичик бизнес корхоналари (савдо корхоналаридан ташқари) томонидан ягона солиқ тўлови ҳисобланган миқдорининг 5 фоизини ўзаро қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги шартномалар асосида Жамғармага ўтказиш давлат бюджетига мажбурий тўловларга тенглаштирилади»;

3-банддан «ягона солиқни ва», «ягона солиқ ёки» сўзлари чиқариб ташлансин;

4-банднинг «а» кичик банди чиқариб ташлансин;

6, 8-бандларидан «ягона солиқ ёки» сўзлари ва 10-банддан «ягона солиқнинг ёки» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 43 Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

«Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш, шунингдек замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда савдони ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда 2007 йил 1 апрелгача бўлган муддатда Электрон давлат харидларини ташкил этиш ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида Вақтинчалик низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2007 йил 1 июлгача бўлган муддатда электрон шаклдаги контрактга талабларни ва электрон тижоратда қўлланиладиган ҳужжатларнинг бошқа намунавий шаклларини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда 2007 йил 1 октябргача бўлган муддатда вазирлик тизимига кирадиган ташкилотлар ва корхоналар томонидан арзонбаҳо инвентарлар сотиб олиш учун электрон давлат харидлари тизимини яратиш бўйича келишилган лойиҳани Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими билан автоматлаштирилган ўзаро ҳамкорлик қилишни ҳисобга олган ҳолда тайёрласин ва амалга оширсин;

2008 йил 1 апрелгача бўлган муддатда келишилган лойиҳа натижаларига кўра тўпланган тажрибани товарлар ва хизматлар бошқа турларининг давлат харидларига нисбатан татбиқ этиш, шунингдек тизимни республиканинг барча давлат муассасалари эҳтиёжлари учун ривожлантириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

2. Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда тадбиркорлар ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар мутахассислари кенг доирасини жалб этган ҳолда конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, тренинглар ўтказиш, шунингдек электрон тижоратнинг имкониятлари тўғрисидаги ахборот материалларини ишлаб чиқиш ва уларни электрон тижоратнинг салоҳиятли иштирокчилари ўртасида оммалаштириш чора-тадбирларини амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тадбирларни ўтказиш давомида олинган таклифлар ва илғор халқаро тажрибани ўрганиш асосида 2008 йил 1 февралгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига электрон тижоратни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Савдо-саноат палатаси манфаатдор хўжалик юри-

тувчи субъектлар билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига улгуржи ва чакана электрон савдони амалга оширишда тўловларни қабул қилиш ва тўлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек уни амалга оширишда замонавий аппаратлар ва техника воситаларини жорий этиш бўйича таклифлар киритсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда электрон тижорат соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 30 январь,
21-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 44 Футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг фаолиятини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Иқтидорли ёшларни спортга жалб этиш, ишончли захирани шакллантириш ҳамда болалар-ўсмирлар футболини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек ёш футболчиларнинг маҳорати ошишини ва спорт соҳасидаги ютуқлари кўпайишини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларини, уларни молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда, олий лиганинг иловага мувофиқ 16 та профессионал клублари ихтиёрига бир ой муддатда, белгиланган тартибда ўтказсин.

Белгилаб қўйилсинки, профессионал клуб тугатилган тақдирда болалар-ўсмирлар спорт мактаби, кейинчалик уни бошқа профессионал футбол клубига берган ҳолда Ўзбекистон Футбол федерацияси ихтиёрига белгиланган тартибда берилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги:

Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда мунтазам равишда олий ва биринчи лига ўйинларидан олдин болалар ва ўсмирлар жамоалари ўртасида футбол учрашувларини ўтказсин. Ҳар йили ҳар бир спорт мавсуми якунларига кўра энг

яхши футболчиларни ва футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари билан ишлайдиган энг яхши тренерларни аниқласин;

бир ой муддатда:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда профессионал футбол клублари ҳузуридаги футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари фаолиятига оид норматив ҳужжатларни;

Ўзбекистон Футбол федерацияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари учун Ягона ўқув дастурини;

Ўзбекистон Футбол федерацияси билан биргаликда болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг моддий-техника базасига талабларни, ушбу мактаблар жамоалари ўртасида республика мусобақаларини ўтказиш тизимини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда Футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг моддий-техника базасини яхшилаш бўйича мақсадли дастурни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

республиканинг барча спорт базаларида футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларига ўқув-тренировка машғулотлари ва мусобақалар ўтказиш учун спорт иншоотларини имтиёзли асосда, ижара тўлови ундирмасдан берсинлар.

4. Ўзбекистон футболни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг:

футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари спортчилари ва тренерларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида футбол грантлари;

«Футбол бўйича энг яхши болалар-ўсмирлар спорт мактаби», «Футбол бўйича йилнинг энг яхши болалар тренери» ва «Йилнинг энг яхши ёш футболчиси» номинациялари бўйича ҳар йилги мукофот таъсис этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 31 январь,
23-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 31 январдаги 23-сон қарорига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан олий лига профессионал футбол клубларига берилаётган футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари рўйхати

| Т/Р | Футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари | Футбол клублари |
|---|---|---|
| **Андижон вилояти** | | |
| 1. | Андижон шаҳридаги болалар-ўсмирлар футбол мактаби | «Андижон ЎзДЭУ-авто» (Андижон шаҳри) |
| **Бухоро вилояти** | | |
| 2. | Бухоро шаҳридаги болалар-ўсмирлар футбол мактаби | «Бухоро» (Бухоро шаҳри) |
| 3. | 28-сон болалар-ўсмирлар спорт мактаби | «Вобкент» (Вобкент тумани) |
| **Қашқадарё вилояти** | | |
| 4. | Нишон туманидаги болалар-ўсмирлар спорт мактаби | «Насаф» (Қарши шаҳри) |
| 5. | Шаҳрисабз туманидаги болалар-ўсмирлар спорт мактаби | «Шўртан» (Ғузор шаҳри) |
| 6. | Касби туманидаги болалар-ўсмирлар спорт мактаби | «Машъал» (Муборак шаҳри) |
| **Навоий вилояти** | | |
| 7. | Навоий шаҳридаги 2-сон болалар-ўсмирлар спорт мактаби | «Қизилқум» (Зарафшон шаҳри) |
| **Наманган вилояти** | | |
| 8. | Наманган шаҳридаги 17-сон болалар-ўсмирлар спорт мактаби | «Навбаҳор-Наманган» (Наманган шаҳри) |
| **Самарқанд вилояти** | | |
| 9. | Самарқанд шаҳридаги болалар-ўсмирлар футбол мактаби | «Самарқанд-Динамо» (Самарқанд шаҳри) |
| **Сурхондарё вилояти** | | |
| 10. | Узун туманидаги болалар-ўсмирлар спорт мактаби | «Сариосиё» (Сариосиё тумани) |
| **Тошкент вилояти** | | |
| 11. | Қибрай туманидаги болалар-ўсмирлар футбол мактаби | «Металлург» (Бекобод шаҳри) |
| **Фарғона вилояти** | | |
| 12. | Фарғона шаҳридаги болалар-ўсмирлар футбол мактаби | «Нефтчи» (Фарғона шаҳри) |
| **Тошкент шаҳри** | | |
| 13. | 16-сон болалар-ўсмирлар спорт мактаби | «Пахтакор» (Тошкент шаҳри ) |
| 14. | 24-сон болалар-ўсмирлар спорт мактаби | «Трактор» (Тошкент шаҳри) |
| 15. | 23-сон болалар-ўсмирлар спорт мактаби | «Локомотив» (Тошкент шаҳри ) |
| 16. | 2-сон болалар-ўсмирлар спорт мактаби | «Қурувчи» (Тошкент шаҳри) |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 46 Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш ҳамда шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегараларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Республикада шаҳарсозлик фаолиятининг норматив асосларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, ҳудудлардан оқилона фойдаланиш, табиий бойликларни муҳофаза қилиш, жамият ва давлат манфаатларини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш ҳамда шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегараларини белгилаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2007 йил 1 июлгача бўлган муддатда алоҳида тартибга солинадиган ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган шаҳарсозлик фаолияти объектлари бўйича, уларнинг чегараларини кўрсатган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

3. Қуйидагилар:

алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик объектларидан фойдаланиш ва уларни қуриш махсус қоидаларини манфаатдор вазирликлар (идоралар) иштирокида ишлаб чиқиш;

вазирликлар ва идораларнинг шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш ҳамда шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегараларини белгилаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси зиммасига юклансин.

4. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу Низомга қатъий амал қилинишини таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 2 февраль,
25-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 2 февралдаги 25-сон қарорига
ИЛОВА

## Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш ҳамда шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегараларини белгилаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда:

шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш;

шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегараларини белгилаш тартибини белгилайди.

2. Шаҳарсозлик фаолияти объектларини шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари жумласига киритиш ушбу объектлар ҳудудларига шаҳарсозлик соҳасида жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахслар манфаатларини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда уларсиз ушбу ҳудудлардан фойдаланиш мумкин бўлмаган ёки қийин бўлган махсус қоидаларни жорий этиш мақсадида амалга оширилади.

3. Шаҳарсозлик фаолияти:

табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар таъсирига учраган ҳудудларда;

кимёвий ва (ёки) биологик моддалар, зарарли микроорганизмлар билан йўл қўйиладиган чекланган концентрациялардан ортиқча, радиоактив моддалар билан йўл қўйиладиган чекланган даражалардан ортиқча миқдорда ифлосланган ҳудудларда;

қўриқланадиган табиий ҳудудларда алоҳида тартибга солинади.

Шаҳарсозлик фаолияти:

Тошкент шаҳри ҳудудларида;

Нукус шаҳри ҳудудларида;

вилоятларнинг маъмурий марказлари бўлган шаҳарлар ҳудудларида;

маданий мерос объектлари мавжуд бўлган шаҳарлар ҳудудларида;

курорт шаҳарлар ҳудудларида;

қўриқхона шаҳарлар ҳудудларида;

ҳаёт фаолиятининг алоҳида режимидаги аҳоли пунктлари (ҳарбий шаҳарчалар, бошқа режимли ҳудудлар, давлат қўриқхоналаридаги ва қўриқланадиган бошқа табиий ҳудудлардаги аҳоли пунктлари) ҳудудларида ҳам алоҳида тартибга солиниши мумкин.

4. Шаҳарсозлик фаолияти объектларини алоҳида тартибга солинадиган тоифалар жумласига киритиш ва уларнинг чегараларини белгилаш ушбу Низомда назарда тутилган тартибда тегишли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Бунда:

республика вазирликлари (идоралари)га келишиш учун юборилаётган шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш бўйича материаллар икки ой муддатда кўриб чиқилади;

республика вазирликлари (идоралари)га, бошқа манфаатдор ташкилотларга келишиш учун юборилаётган умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектлари чегараларини белгилаш бўйича материаллар бир ой муддатда кўриб чиқилади.

5. Шаҳарсозлик фаолияти ҳудудлари ва объектларида, шунингдек аҳоли пунктларида алоҳида тартибга солишни жорий этиш муддатлари манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.

6. Алоҳида тартибга солиш даврида объектлар ҳудудларида шаҳарсозлик фаолияти махсус шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашнинг алоҳида тартибига мувофиқ ҳамда объектлар қурилишига махсус рухсатномалар бериш орқали амалга оширилади.

## II. Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш

7. Табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар таъсирига учраган ҳудудларда жойлашган шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг манфаатдор вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маълумотларига асосланган тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

8. Кимёвий ва (ёки) биологик моддалар, зарарли микроорганизмлар билан йўл қўйиладиган чекланган концентрациялардан ортиқча, радиоактив моддалар билан йўл қўйиладиган даражалардан ортиқча ифлосланган ҳудудларда жойлашган шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

9. Қўриқланадиган табиий ҳудудларда жойлашган шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш манфаатдор вазирликлар ва идоралар тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

10. Тошкент шаҳар ҳудудини шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

11. Маданий мерос объектлари давлат кадастрига белгиланган тартибда киритилган маданий мерос объектлари мавжуд бўлган шаҳарлар ҳудудларини шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

12. Курорт шаҳарлар ҳудудларини шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш Соғ-

лиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

13. Қўриқхона шаҳарлар ҳудудларини шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

14. Ҳаёт фаолиятининг алоҳида режимидаги аҳоли пунктлари (ҳарбий шаҳарчалар, бошқа режимли ҳудудлар, давлат қўриқхоналаридаги ва бошқа алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлардаги аҳоли пунктлари) ҳудудларини шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган умумдавлат аҳамиятига молик объектлар жумласига киритиш манфаатдор вазирликлар (идоралар) ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

## III. Шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини маҳаллий аҳамиятга молик объектлар жумласига киритиш

ушбу буйруқни амалда қўлланилиши ва барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (У. Аюбов) мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этишни таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Каньязов зиммасига юклансин.

**Адлия вазири** **Ф. ОТАХОНОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 5 февраль,
21-мҳ

Адлия вазирининг
2007 йил 5 февралдаги 21-мҳ-сон
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

## Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда суд ижрочиларининг судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, рўйхатдан ўтказувчи органлар, молия-кредит ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–458-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 36-сон, 360-модда) мувофиқ, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда суд ижрочиларининг судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, рўйхатдан ўтказувчи органлар, молия-кредит ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини белгилайди.

## I. Умумий қоидалар

1. Суд ижрочиларининг судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, рўйхатдан ўтказувчи органлар, молия-кредит ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижросининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини;

ундирувчининг ҳуқуқларини амалга оширилишини;

маълумотларни тезкор алмашинувини;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг бажарилиши устидан самарали назоратни ташкил этишни таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

## II. Судлар билан ўзаро ҳамкорлик

2. Суд ижрочиларининг судлар билан ўзаро ҳамкорлиги суд ижрочиларининг ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига қаратиш тўғрисида ижро ҳужжатини чиқаришга асос бўлган суд ҳужжатини тушунтириш ҳақидаги аризаларини ва суд ижрочиларининг қонунчиликда белгиланган бошқа асослар бўйича мурожаатларини судлар томонидан ўз вақтида кўрилишини ҳамда ижро ҳужжатлари бўйича чиқарилган суд ҳужжатларини судлар томонидан суд ижрочиларини ўз вақтида хабардор қилишни таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

3. Ижро ҳужжатини чиқарган суд, суд ижрочисининг суд ҳужжатини тушунтириш тўғрисидаги аризасини қонунчиликда белгиланган муддатда кўриб чиқади ва ўзи чиқарган суд ҳужжатининг тушунтирувини суд ижрочисига юборади.

4. Ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ижро ҳужжатини мажбурий ижро қилиш жараёнида суд ижрочисида қарздорнинг бошқа шахсларда турган хатланган мол-мулкини тегишлилигини тасдиқловчи маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда, ушбу мол-мулкка ундирувни қаратиш суд ажримига асосан амалга оширилади.

Қонуний кучга кирган суд ажрими нусхаси суд томонидан кейинги кундан кечиктирилмасдан суд ижрочисига юборилади.

5. Манфаатдор шахс суд ижрочиси ёки тергов органлари томонидан хатланган мол-мулкни хатловдан чиқариш тўғрисида даъво аризаси билан судга мурожаат қилган ҳолларда, суд шу куннинг ўзида даъвони таъминлаш ва ижро ҳужжати бўйича ундирувни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради ва дарҳол суд ижрочисига юборади.

Суд ижрочиси, ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги тегишли суд ажримини олгандан сўнг, уч кун ичида бу тўғрисида тарафларни ёки ижро ҳужжатини берган органни хабардор қилади.

Мол-мулкни хатловдан чиқариш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан тегишли суд ҳужжати чиқарилганда, қонуний кучга кирган суд ҳужжатининг нусхаси кейинги кундан кечиктирилмасдан суд ижрочисига юборилади.

## III. Ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорлик

6. Суд ижрочиларининг ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорлиги ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганда жамоат тартиби сақланишини таъминлашга кўмаклашиш ва ижро ҳужжатини мажбурий ижро қилишда вужудга келадиган тўсқинликларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилади.

7. Суд ижрочилари ўзларига юклатилган мажбуриятларни амалга оширишда суд

ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижросини бажариш жараёнида кўрсатилган қаршиликлар ва тўсқинликларни бартараф этиш ва тартиб сақлаш мақсадида зарур ёрдам олиш учун туман (шаҳар) ички ишлар органларига мурожаат қилишга ҳақли.

8. Ички ишлар органлари ходимлари ёрдамига эҳтиёж келиб чиққанда, суд ижрочиси, қоида тариқасида, ижро ҳаракатларини амалга оширишдан бир кун олдин ички ишлар органлари ходимларининг келиш вақти ва аниқ жойи, шунингдек ижро ҳаракати ёки ҳаракатларининг тахминий давомийлиги кўрсатилган ёзма талабнома билан туман (шаҳар) ички ишлар органларига мурожаат этади.

9. Жойга етиб келиниши билан, ички ишлар органларининг лавозими бўйича юқори турувчи ходими ички ишлар органлари ходимлари етиб келганликлари тўғрисида суд ижрочисини хабардор қилади ва кейинги ҳаракатлар бўйича аниқ кўрсатмалар олади.

10. Мазкур аниқ ҳолатда, ўқотар қурол ва бошқа турдаги қуролларни қўллаш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан бундай қўллаш оқибати учун тўлиқ жавобгарлик юклатилган ички ишлар органлари ходимлари учун белгиланган қоидалар талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

11. Ички ишлар органлари ходимлари ижро ҳаракатлари тамом бўлгунга қадар иштирок этадилар. Суд ижрочиси ижро ҳаракатлари тамом бўлганлиги тўғрисида ички ишлар органларининг лавозими бўйича юқори турувчи ходимини хабардор қилади.

12. Суд ижрочиси томонидан ижро ҳаракатлари амалга оширилиши вақтида, қарздор ёки бошқа шахслар ўзларининг ҳаракатлари билан ижро ҳужжатларини ижро этишга тўсқинлик қилганларида, ички ишлар органлари ходимлари зудлик билан тўсқинликларни бартараф этиш чораларини кўради.

Қарздор ёки бошқа шахслар суд ижрочиси ёки ички ишлар органлари ходимларининг қонуний талабларини бажаришдан бўйин товласалар, бу ҳақда далолатнома тузилади, тегишли материаллар қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилиши учун ижро ҳаракатлари амалга оширилган жойдаги жиноят ишлари бўйича судга топширилади.

13. Ички ишлар органларининг лавозими бўйича юқори турувчи ходими ижро ҳаракатларида ички ишлар органлари ходимларининг иштироки тўғрисидаги тегишли далолатномани имзолайди ва бу ҳақда бўйсинуви бўйича ички ишлар органлари бошлиғини хабардор қилади.

14. Суд ижрочисининг муҳр билан тасдиқланган асослантирилган қарори бўйича ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда қарздор — жисмоний шахс, ёш бола ва автомототранспорт воситаси қидирувини амалга оширадилар.

Қарздор — жисмоний шахс, ёш бола ва автомототранспорт воситаси топилган тақдирда, ички ишлар органлари суд ижрочисини топилган пайтдан бошлаб бир сутка ичида ёзма равишда хабардор қилади.

Қидирувни амалга ошираётган ички ишлар органи, қидирув натижалари ҳақида ҳар ойда суд ижрочиларини ёзма равишда хабардор қилиб туради.

15. Суд ижрочиси, қонунчиликда белгиланган ҳолларда мажбурий келтириш тўғрисида қарор чиқаради. Қарор мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахснинг яшаш жойидаги ички ишлар органларига юборилади.

16. Ички ишлар органи суд ижрочисининг қарорида кўрсатилган шахсни қарорда белгиланган муддатда ва ижро ҳаракатларини амалга ошириш жойига мажбурий келтиришни амалга оширади.

Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ижроси таъминланганда, суд ижрочиси қарорга тегишли ёзув киритади ва у ички ишлар органига қайтарилади.

17. Суд ижрочиси қонунчиликда белгиланган ҳолларда, автомототранспорт воситасининг техник ҳолатини кўздан кечиришда иштирок этиш учун Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракат ҳавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда матнда — ДЙҲХХ) органлари мутахассисларини ҳабардор қилади. Хабарнома кўздан кечириш санаси, вақти ва жойи кўрсатилган ҳолда ёзма равишда расмийлаштирилиши ва кўздан кечириш ўтказилишидан камида бир кун олдин топширилиши лозим.

Хабарнома олинган вақтдан бошлаб кейинги кундан кечиктирилмасдан ДЙҲХХ мутахассис белгилайди ва суд ижрочисини бу ҳақда хабардор қилади.

18. Суд ижрочилари ва туман (шаҳар) ички ишлар органлари ижро ҳаракатлари жараёнида тегишли ҳамкорликни ўрнатиш бўйича ўзларининг ишларини доимий мувофиқлаштириб боришлари лозим.

## IV. Молия органлари билан ўзаро ҳамкорлик

19. Суд ижрочиларининг ҳудудий молия органлари билан ўзаро ҳамкорлиги мол-мулкни давлат даромадига ундиришни назарда тутувчи суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш пайтида амалга оширилади.

20. Суд ижрочиси, қонунчиликда белгиланган ҳолларда, давлат даромадига ундириладиган мол-мулкни баҳолаш ёки баҳосини камайтириш, ҳолатини кўздан кечириш учун ҳудудий молия органига кўздан кечириш амалга оширилишидан камида бир кун олдин кўздан кечириш ўтказиладиган сана, вақт ва жойи кўрсатилган хабарномани юборади.

21. Ҳудудий молия органи хабарномани олган пайтдан бошлаб кейинги кундан кечиктирмасдан мутахассис белгилайди, бу ҳақда суд ижрочисига маълум қилади, шунингдек мол-мулкни баҳолаш ёки баҳосини камайтириш ҳолатларини кўздан кечиришни амалга оширишда иштирок этишини таъминлайди.

## V. Давлат солиқ хизмати органлари билан ўзаро ҳамкорлик

22. Суд ижрочиларининг давлат солиқ хизмати органлари (кейинги ўринларда матнда — солиқ органлари) билан ўзаро ҳамкорлиги мол-мулкни давлат даромадига, шунингдек бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича қарздорликни қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ундиришни назарда тутувчи суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда амалга оширилади.

23. Суд ижрочиларининг солиқ органлари билан ўзаро ҳамкорлиги қарздор — жисмоний шахснинг яшаш жойи, иш жойи ёки унинг мол-мулки жойлашган ёҳуд қарздор — юридик шахснинг жойлашган жойи ёки унинг мол-мулки жойлашган жойи бўйича белгиланади.

24. Солиқ органлари томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича қарздорликларни, шунингдек истеъмол қилинган электр энергияси бўйича қарздорлик ва жарима суммаларини қарздор — юридик шахслардан ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатини суд ижрочиларига тақдим этиш муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисидаги хўжалик судлари қарорларини ижро этиш тўғрисидаги йўриқномада (2003 йил 12 июль, рўйхат рақами 1250 — Норматив ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 11-сон) ва Юридик шахслар то-

монидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисидаги йўриқномада (2005 йил 6 апрель, рўйхат рақами 1466 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 14-сон, 108-модда) назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Суд ижрочилари зарур ҳолларда қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда солиқ органлари ваколати доирасига тааллуқли суд ҳужжатларини ижро этиш учун зарур қўшимча маълумотларни сўраб олиши мумкин.

25. Суд ижрочиси, қонунчиликда белгиланган ҳолларда, давлат даромадига ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича кўчмас мулк ва автомототранспорт воситаларининг баҳосини камайтириш учун солиқ органини хабардор қилади. Хабарнома кўздан кечириш ўтказиладиган сана, вақт ва жойи кўрсатилиб ёзма равишда расмийлаштирилиши ва баҳони камайтириш кунидан камида бир кун олдин юборилиши лозим.

26. Солиқ органи хабарномани олган пайтдан бошлаб кейинги кундан кечиктирмасдан мутахассис белгилайди, бу ҳақда суд ижрочисига маълум қилади ва кўчмас мулк ва автомототранспорт воситаларини баҳосини камайтириш учун мутахассис иштирокини таъминлайди.

## VI. Рўйхатга олувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик

27. Суд ижрочиларининг юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар (кейинги ўринларда матнда — рўйхатга олувчи органлар) билан ўзаро ҳамкорлиги рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан ижро ҳужжати бўйича белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган қарздорлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилинишида кўмаклашиш мақсадида амалга оширилади.

Фаолиятини тугатиш, банкротлик жараёнида турган тижорат ташкилотлари устав фондида қарздорнинг улуши бўйича ва тугатилган қарздорлар бўйича маълумотларни тақдим қилиш тўғрисидаги суд ижрочисининг талабномасида мурожаат сабаби, юридик шахснинг тўлиқ номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), СТИР, КТУТ кодлари, жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг паспорт маълумотлари (СТИР) кўрсатилиб ёзма равишда расмийлаштирилади.

28. Қарздор — юридик шахс қайта ташкил этилган ҳолларда, рўйхатдан ўтказувчи орган суд ижрочисининг талабига кўра, талабни олган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида қарздор — юридик шахс мажбуриятлари бўйича қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик юклатилган юридик шахс тўғрисида маълумотларни тақдим этади.

29. Рўйхатдан ўтказувчи органлар (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан ташқари) суд ижрочисининг асослантирилган талабномасига кўра, талабномани олган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида таъсис ҳужжатларининг нусхалари ёки улардан қарздорлар тўғрисидаги кўчирмаларни тақдим этади.

30. Ўзбекистон Республики Марказий банки қарздорнинг мол-мулкини хатлаш ёки ундирувга қаратиш тўғрисидаги қонуний кучга кирган суд ҳужжати мавжуд бўлганда ва суд ижрочисининг асослантирилган талабномасига кўра, қонунчиликда белгиланган тартибда таъсис ҳужжатларининг нусхаларини ёки улардан қарздор тўғрисидаги кўчирмаларни тақдим этадилар.

## VII. Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси ва депозитарийлар билан ўзаро ҳамкорлик

31. Суд ижрочиларининг қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси ва депозитарийлар билан ўзаро ҳамкорлиги қарздорнинг депо ҳисобварақларида қимматли қоғозлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш мақсадида амалга оширилади.

32. Суд ижрочилари ўзларига юклатилган мажбуриятларни амалга оширишда қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсига қарздорлар тўғрисида зарур маълумотларни олиш учун талабнома билан мурожаат қилишга ҳақли.

Талабнома ёзма равишда расмийлаштирилиб, унда мурожаат сабаби, қарздор — юридик шахснинг тўлиқ номи, (КТУТ кодлари), қарздор — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар серияси, рақами, берилган санаси, СТИР ва талабнома олинган кундан бошлаб икки иш куни ичида қимматли қоғозлар бўйича барча операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Талабномада суд ижрочисининг фамилияси, исми, отасининг исми ва паспорт маълумотлари ҳам бўлиши лозим.

Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси талабномани олган кундан бошлаб кейинги кундан кечиктирмасдан тегишли депозитарийга хабарнома ва талабноманинг нусхасини юборади.

Депозитарийлар, Марказий депозитарийнинг хабарномасини олган кундан бошлаб кейинги кундан кечиктирмасдан тегишли суд ижрочисига қарздорни депо ҳисобварағида қимматли қоғозлар мавжудлиги тўғрисида, шунингдек қимматли қоғозларни учинчи шахслар олидидаги мажбуриятларини белгилаш тўғрисидаги маълумотларни юборади ва қарздорнинг депо ҳисобварағидаги учинчи шахслар олидидаги мажбуриятлари белгиланмаган қимматли қоғозлар бўйича барча операцияларни талабномада кўрсатилган муддатга тўхтатиб қўяди.

33. Қарздорнинг депо ҳисобварағида қимматли қоғозлар мавжуд бўлганда, суд ижрочиси томонидан тегишли депозитарийларга ижро ҳужжати бўйича қарздорнинг депо ҳисобварағида кўрсатилган қимматли қоғозларни хатлаш учун депозитарийларга асос бўлувчи эмитент, унинг турлари, тоифалари ва миқдори кўрсатилган ҳолда қарз суммаси доирасида, қимматли қоғозларни хатлаш тўғрисида қарор юборилади. Хатлаш тўғрисидаги қарор катта суд ижрочиси томонидан имзоланади ва гербли муҳр билан тасдиқланади.

Депозитарийлар катта суд ижрочисининг қарорини олган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида депо ҳисобварағи бўлимидаги тасарруф этувчи карточкасига мувофиқ суд ижрочисини тасарруф этувчи қилиб тайинлайди, қарздорнинг депо ҳисобварағидаги мажбуриятлар билан белгиланмаган қимматли қоғозларини «ҚҚ хатланган» махсус бўлимга (субҳисобварақ) ўтказади ҳамда қарздорнинг қимматли қоғозларини хатлаш тўғрисидаги қарорнинг бажарилганлиги ёки бажариш имкони йўқлиги сабаблари кўрсатилган ҳолда суд ижрочисига хабарнома юборадилар. Қарздорнинг қимматли қоғозини хатлаш тўғрисидаги суд ижрочисининг қарори мавжуд бўлмаганда, қимматли қоғозлар бўйича операциялар тўхтатилганидан кейин икки кунлик муддат ўтгач депозитарийлар улар бўйича тўхтатиб туришни бекор қилади ва қарздорнинг депо ҳисобварағи бўйича қимматли қоғозлар билан операцияларни қайта тиклайди.

34. Суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлими хатланган қимматли қоғозларни ташкиллаштирилган савдо орқали сотиш учун қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийсида белгиланган тартибда махсус ҳисобварақ очиши лозим.

Қарздорнинг хатланган қимматли қоғозларини ташкиллаштирилган савдо ор-

қали сотилмаган қисмини ундирувчига топшириш рўйхатдан ўтказилган топшириш далолатномаси ва қарздор томонидан суд ижрочиси — «ҚҚ хатланган» бўлими тасарруф этувчиси, олувчи томонидан ундирувчи имзолайдиган қимматли қоғозларни қарздор депо ҳисобварағидан кредитор депо ҳисобрақамига кўчириш тўғрисидаги топшириғи асосида амалга оширилади.

35. Қарздорнинг хатланган қимматли қоғозларига нисбатан хатлов бекор қилинганда, суд ижрочиси дарҳол қарздорнинг хатланган қимматли қоғозларини ҳисобини юритувчи депозитарийларга катта суд ижрочиси имзоси ва гербли муҳр билан тасдиқланган қарорни юборади.

## VIII. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари билан ўзаро ҳамкорлик

36. Суд ижрочиларининг Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари (кейинги ўринларда матнда — ҳудудий рўйхатдан ўтказиш идоралари, туман ва шаҳарлар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорлиги суд ижрочиларига суд қарорларини ва бошқа органларнинг қарздорга тегишли бўлган кўчмас мулкни белгилаш бўйича қарорларининг мажбурий ижроси бўйича ёрдам кўрсатиш, ижро ҳужжатлари бўйича хатланган кўчмас мулк тўғрисидаги тегишли маълумотларни тақдим этиш, кўчмас мулкни кўздан кечиришда қатнашиш ва ижро ҳужжатлари бўйича қарздордан ер участкаларини олиб қўйиш мақсадида амалга оширилади.

Суд ижрочиларининг ҳудудий рўйхатдан ўтказиш идоралари, туман ва шаҳарлар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари билан ўзаро ҳамкорлиги қарздор — жисмоний шахснинг турар жойи ёки унинг кўчмас мулки жойлашган жой ёхуд қарздор — юридик шахснинг жойлашган жойи ёки унинг кўчмас мулки жойлашган жой бўйича аниқланади.

37. Ҳудудий рўйхатдан ўтказиш идоралари қарздорга тегишли кўчмас мулкни хатланганлиги тўғрисидаги суд ижрочисининг тегишли талабномасини олгандан сўнг, ушбу талабнома бўйича икки кун ичида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотларни тақдим қилади.

38. Хатлов кўчмас мулкка қаратилганда, суд ижрочилари қарздорга қарашли бўлган кўчмас мулкни тассаруф этишни тақиқлаш тўғрсида тегишли ҳудудий рўйхатдан ўтказиш идораларига дарҳол талабнома жўнатадилар. Ҳудудий рўйхатдан ўтказиш идоралари ушбу талабномани олгандан сўнг дарҳол бино ва иншоотларнинг давлат реестрига бино ва иншоотни сотишни тақиқлаш тўғрисида тегишли ёзув киритадилар ва бу ҳақда талабномани олгандан кундан бошлаб уч кун ичида суд ижрочиларига хабар қиладилар.

39. Агар хатланган мол-мулк давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, ҳудудий рўйхатдан ўтказиш идоралари 20 кун давомида суд ижрочисининг ёки мулкдорнинг аризасига мувофиқ, кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказадилар ва тегишли маълумотларни, шунингдек давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома ёки рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги белги қўйилган ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатларнинг нусхаларини суд ижрочиларига тақдим этадилар. Давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар мулкдор ёки суд ижрочилари томонидан белгиланган тартибда қопланади.

Агар хатланган кўчмас мулк қурилиши тугалланмаган объект ҳисобланса, ушбу

объект бўйича тегишли маълумотлар (ерга бўлган мулк ҳуқуқининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот, қурилаётган бино, иншоот тўғрисидаги кадастр маълумотлари) ҳудудий рўйхатдан ўтказиш идоралари, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан суд ижрочиларига қонунда белгиланган тартибда тақдим этилади.

40. Қонунда белгиланган ҳолатларда, суд ижрочиси кўчмас мулк ҳолатини кўздан кечириш мақсадида кўздан кечириш ўтказилгунга қадар камида бир кун олдин ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларини кўздан кечириш ўтказиладиган сана, вақт ва жойини кўрсатган ҳолда хабардор қилади.

Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари хабарни олган вақтдан бошлаб кейинги кундан кечиктирмасдан мутахассисни аниқлайди ва бу тўғрида суд ижрочисини хабардор қилади, шунингдек кўздан кечиришни ўтказиш учун мутахассиснинг иштирок этишини таъминлайди.

41. Қонунда белгиланган ҳолатларда қарздордан ер участкасини олиб қўйиш, ўзбошимчалик билан қурилган объектларни бузиб ташлаш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари ижро қилинаётганда, суд ижрочиси олиб қўйиш амалга оширилишидан камида уч кун олдин ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларига сана, вақт ва жойини кўрсатган ҳолда хабарнома юборади. Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари хабарномани олгандан кейин бир кундан кечиктирмасдан мутахасисни аниқлайди ва бу тўғрисида суд ижрочисига маълум қилади, шунингдек кўздан кечириш ўтказишда мутахасиснинг иштирокини таъминлайди.

## IX. Нотариал идоралар билан ўзаро ҳамкорлик

42. Суд ижрочиларининг автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга бериш тақиқланиши ва тақиқ олиб ташланиши, шунингдек бошқа шахсга бериш тақиқланган ва хатлаб қўйилган автомототранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар банкини юритувчи нотариал идоралар (кейинги ўринларда матнда — нотариал идоралар) билан ўзаро ҳамкорлиги кўчмас мулкка ёки автомототранспорт воситаларини хатлов қилиш ва бегоналаштиришни тақиқлашни бекор қилиш бўйича маълумотларни олишда суд ижрочиларига ёрдам бериш мақсадида амалга оширилади.

43. Давлат нотариал идоралари томонидан тегишли маълумотларни тақдим этиш суд ижрочиларининг мақсадли талаби асосида талабнома олган куннинг эртасидан кечикмасдан амалга оширилади.

44. Кўчмас мулк ёки автомототранспорт воситалари хатланганда, хатлаш тўғрисида қарор чиқарган ва кўчмас мулкни ва автомототранспорт воситаларини рўйхатини тузган суд ижрочиси қарор чиқарилган ва далолатнома тузилган куннинг ўзида катта суд ижрочиси имзоси қўйилиб, гербли муҳр билан тасдиқланган хабарни маълумотлар банкини юритувчи тегишли нотариал идорага қарор ва далолатнома нусхаси иловаси билан бирга юборади.

45. Кўчмас мулкка ёки автомототранспорт воситаларига нисбатан хатлов бекор қилинганда, суд ижрочиси дарҳол нотариал идорага хатловни бекор қилиш тўғрисида катта суд ижрочиси имзоси қўйилиб, гербли мухр билан тасдиқланган хабарни юборади.

46. Кўчмас мулкка ёки автомототранспорт воситаларини хатлаш ёки хатловни бекор қилиш тўғрисида хатни олган нотариал идораси дархол олинган хабарни автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга бериш тақиқланиши ва тақиқ олиб ташланиши, шунингдек бошқа шахсга бериш тақиқланган ва хатлаб қўйилган автомототранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар банкига киритади.

### X. Молия-кредит ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик

47. Молия-кредит ташкилотлари билан суд ижрочиларининг ўзаро ҳамкорлиги ундирувни ижро хужжатлари бўйича хатлаш, қарз суммаси доирасида ундирувни қаратиш учун қарздорнинг ҳисобварақларида, омонатларида ёки молия-кредит ташкилотларда сақланаётган пул воситалари ва бошқа қимматликларини ҳисобларини белгилашда суд ижрочиларига ёрдам кўрсатиш мақсадида амалга оширилади.

48. Молия-кредит ташкилотлари банк сирини ташкил этувчи ахборотларни суд ижрочиларига уларнинг ёзма сўровномасига асосан, мазкур молия-кредит ташкилотининг мижози (вакили) мулкига ундирувни қаратиш ёки хатлаш тўғрисидаги қонуний кучга кирган суд ҳужжати мавжуд бўлганда тақдим этадилар.

49. Суд ижрочисида қарздор — юридик шахснинг ижро ҳужжатига мувофиқ қарз суммаси доирасида хатлаш мумкин бўлган ҳисобварағи мавжудлиги тўғрисида маълумот бўлмаганда, суд ижрочиси молия-кредит ташкилотига шундай хисобварақ мавжудлигини аниқлаш тўғрисида талабнома юборади. Тегишли талаб келиб тушганда молия-кредит ташкилотлари банк депозитлари Миллий ахборот базаси орқали тегишли ҳисобварақларни аниқлайди ва бу тўғрисида суд ижрочисини кейинги кундан кечиктирмасдан хабардор қилади.

### XI. Бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорлик

50. Суд ижрочиларининг бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорлиги қонунчиликда белгиланган тартибда ижро ҳужжатларини ижро этиш жараёнида амалга оширилади.

51. Суд ижрочилари ижро ҳужжатларини мажбурий ижроси жараёнида ўзларининг ваколатлари доирасида тегишли органлардан маълумотларни талаб қилишга ҳақли. Ушбу органлар суд ижрочисининг асослантирилган талабига мувофиқ тегишли маълумотларни суд ижрочиси томонидан ўрнатилган муддатларда тақдим этишга мажбурдирлар.

### XII. Якуний қоидалар

Ушбу Низом Ўзбеистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Ергеодезкадастр, Давлат мулк қўмитаси билан келишилган.

***Олий суд раиси*** ***Б. МУСТАФОЕВ***

*Тошкент ш.,*
*2006 йил 19 ноябрь*

***Олий хўжалик суди раиси*** ***А. ИШМЕТОВ***

*Тошкент ш.,*
*2006 йил 21 декабрь*

***Ички ишлар вазири*** ***Б. МАТЛЮБОВ***

*Тошкент ш.,*
*2006 йил 26 декабрь*

*Молия вазири* *Р. АЗИМОВ*

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 2 февраль*

*Марказий банки Бошқаруви раиси* *Ф. МУЛЛАЖОНОВ*

*Тошкент ш.,*
*2006 йил 23 декабрь*

*Давлат солиқ қўмитаси раиси* *Б. ПАРПИЕВ*

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 16 январь*

*Ер ресурслари, геодезия,*
*картография ва давлат кадастри*
*давлат қўмитаси раиси* *А. АБДУАЗИЗОВ*

*Тошкент ш.,*
*2006 йил 28 декабрь*

*Давлат мулкини бошқариш*
*давлат қўмитаси раиси* *Д. МУСАЕВ*

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 5 февраль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

## 57 Ижро ишини юритиш ва суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги буйруққа ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 февралда 1091-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 15 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида» Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида»ги низомга асосан, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2001 йил 29 декабрдаги 209-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ижро ишини юритиш ва суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида»ги буйруққа (2001 йил 29 декабрь, рўйхат рақами 1091 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 23-24-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (С. Саттаров) мазкур буйруқни давлат рўйхатидан ўтказсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив ҳужжатларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти директори (З. Худойқулов) ушбу буйруқни ўн кунлик муддат ичида Суд департаментининг ҳудудий бошқармаларига, шунингдек барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилишини таъминласин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (У. Аюбов) мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолияти-

---

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти директори З. Худойқулов зиммасига юклансин.

**Адлия вазири** **Ф. ОТАХОНОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 5 февраль,
22-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 58 Акциялар (улушлар) давлат пакетларини ишончли бошқарувга бериш бўйича ўтказиладиган танлов қоидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 7 февралда 1410-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

***(2007 йил 17 февралдан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ—335-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2004 йил 3 сентябрдаги 01/18-48-сон қарори билан тасдиқланган «Акциялар (улушлар) давлат пакетларини ишончли бошқарувга бериш бўйича ўтказиладиган танлов қоидалари»га (2004 йил 16 сентябрь, рўйхат рақами 1410 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 416-бет) иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

**Давлат мулки қўмитаси раиси** **Д. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 8 январь,
01/12-18/01-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

## 59 Осиё ўйинларида қўлга киритилган юксак натижалар учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларига пул мукофотларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 8 февралда 1657-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 18 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 декабрдаги «Осиё ўйинлари ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш тўғрисида»ги ПФ—3832-сонли Фармонига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Осиё ўйинларида қўлга киритилган юксак натижалар учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларига пул мукофотларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири** **Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 5 январь,
2-сон

**Марказий банк Бошқаруви раиси** **Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 5 январь,
285-В-сон

**Маданият ва спорт ишлари вазири** **Р. ҚУРБОНОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 5 январь,
01-10-14-сон

Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви ва Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг
2007 йил 5 январдаги 2, 285-В ва 01-10-14 сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

## Осиё ўйинларида қўлга киритилган юксак натижалар учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларига пул мукофотларини тўлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 декабрдаги «Осиё ўйинлари ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш тўғрисида»ги ПФ—3832-сонли Фармонига мувофиқ Осиё ўйинларида олтин, кумуш ва бронза медалини олган Ўзбекистон Республикаси спортчиларига пул мукофотларини тўлаш тартибини белгилайди.

1. Осиё ўйинларида олтин, кумуш ва бронза медал олган Ўзбекистон Республикаси спортчилари қуйидаги миқдорларда бирйўла тўланадиган пул мукофоти билан тақдирланадилар:

олтин медал — 5000 АҚШ доллари;

кумуш медал — 3000 АҚШ доллари;

бронза медал — 2000 АҚШ доллари.

2. Осиё ўйинларида олтин, кумуш ва бронза медал олган Ўзбекистон Республикаси спортчиларига бирйўла тўланадиган пул мукофотларини бериш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджетидан амалга оширилади.

3. Кўрсатилган харажатларни молиялаштириш учун зарур бўлган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан навбатдаги молиявий йил учун Давлат бюджети харажатларини тасдиқлашда кўзда тутилади.

4. Бюджет маблағларини ажратиш, уларни эркин муомаладаги валютага айирбошлаш ва бирйўла тўланадиган пул мукофотларини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши асосида амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлигига банклараро савдо сессиясидан валюта маблағлари харид қилиши учун миллий валютада маблағ ўтказади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги миллий валютада ажратилган маблағни эркин муомаладаги валюта харид қилиш учун ўрнатилган тартибда ваколатли банкка ўтказиб беради.

6. Ваколатли банк банклараро савдо сессиясида валюта маблағларини харид қилади ва Осиё ўйинларида олтин, кумуш ва бронза медал олган Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг депозит валюта ҳисобрақамларига мувофиқ равишда ўтказиб беради.

7. Осиё ўйинларида олтин, кумуш ва бронза медалини олган Ўзбекистон Республикаси спортчиларини келгусида тақдирлаш учун ваколатли банк Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ўрнатилган тартибда омонат дафтарчаларини тақдим қилади.

8. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан келишилган.

***Ташқи иқтисодий фаолият***
***миллий банки раиси*** *С. РАХИМОВ*

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 5 январь*

## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади: вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 20 январдан 9 февралгача бўлган маълумот

### *I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2006 йил 24 ноябрдаги 2006-15-сон буйруғи*

***2007 йил 3 февралда 1131-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 февралдан кучга киради).***

2. «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 8 январдаги 3, 2007-01, 01-02/8-1-сон қарори.*

***2007 йил 3 февралда 1320-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 февралдан кучга киради).***

3. «Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 18 январдаги 10, 2007-05-сон қарори.*

***2007 йил 5 февралда 1097-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 15 февралдан кучга киради).***

4. «Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 18 январдаги 11, 2007-06-сон қарори.*

***2007 йил 5 февралда 1098-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 15 февралдан кучга киради).***

5. «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 18 январдаги 12, 2007-04-сон қарори.*

***2007 йил 5 февралда 1102-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 15 февралдан кучга киради).***

6. «Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 18 январдаги 9, 2007-03-сон қарори.*

***2007 йил 5 февралда 1118-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 15 февралдан кучга киради).***

7. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинадиган товарларга нисбатан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2007 йил 18 январдаги 7, 01-02/8-4-сон қарори.*

***2007 йил 5 февралда 1124-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 15 февралдан кучга киради).***

8. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда суд ижрочиларининг судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, рўйхатдан ўтказиш органлари, молия-кредит ташкилотлари билан ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2007 йил 5 февралдаги 21-мҳ-сон буйруғи.*

***2007 йил 5 февралда 1656-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 15 февралдан кучга киради).***

9. «Ижро ишини юритиш ва суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2007 йил 5 февралдаги 22-мҳ-сон буйруғи.*

***2007 йил 5 февралда 1091-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 15 февралдан кучга киради).***

10. «Акциялар (улушлар) давлат пакетларини ишончли бошқарувга бериш бўйича ўтказиладиган танлов қоидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 8 январдаги 01/12-18/01-сон қарори.*

***2007 йил 7 февралда 1410-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 17 февралдан кучга киради).***

11. «Осиё ўйинларида қўлга киритилган юксак натижалар учун Ўзбекистон Республикаси спортчиларига пул мукофотларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2007 йил 5 январдаги 2, 285-В, 01-10-14-сон қарори.*

***2007 йил 8 февралда 1657-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 18 февралдан кучга киради).***

## *II. Давлат реестридан чиқарилди:*

1. «ХИФларнинг йиллик (чораклик) ҳисоботлари учун бухгалтерия баланси шаклини тасдиқлаш ҳақида». *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғи билан тасдиқланган. (рўйхат рақами 734, 21.05.1999 й ).*

*Адлия вазирининг 2007 йил 5 февралдаги 20-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## *III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:*

1. «Сут етиштирувчи қоромолчилик фермалари учун ветеринария-санитария қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Давлат ветеринария Бош бошқармаси томонидан тасдиқланган.*

*Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.*

**Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган норматив ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

## *Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган норматив ҳужжат аниқланди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2006 йил 27 сентябрдаги РА-10/1-253-сон ва 2006 йил 2 ноябрдаги БА-10/1-405/2537-сон хатлари.

**Давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган норматив ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.**